

Кабулов Рустам Кабулович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси профессори, ю.ф.д., профессор

Анорбоев Амириддин Улуғбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Юридик бўлим бош юрисконсулти, фалсафа фанлари доктори (PhD)

**КИБЕРЭКСТРЕМИЗМ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ЖИҲАТЛАРИ**

Кабулов Рустам Кабулович

Профессор кафедрасы Уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан, д.ю.н., профессор

Анорбоев Амириддин Улуғбек ўғли

Главный юрисконсульт Юридического управления Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан, доктор философии (PhD)

**УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРЕСТУПЛЕНИЯ
КИБЕРЭКСТРЕМИЗМА**

Kabulov Rustam

Professor of the Department of Criminal Law of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law, Professor

Anorbоеv Amiriddin

Deputy Head of the Department of the Ministry of Information Technologies and Communications of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD)

**CRIMINAL AND LEGAL ASPECTS OF THE CRIME OF CYBER
EXTREMISM**

Аннотация. Мазкур мақола Ўзбекистонда киберхавфсизликни таъминлашнинг самарали йўллари ва механизмнинг мазмун-моҳиятини очиқ беришга бағишланган.

Ушбу мақолада киберэкстремизм жиноятининг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик тавсифи кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: киберэкстремизм, киберхавфсизлик, кибержиноятчилик, жиноят, объект, субъект, объектив ва субъектив томон.

Аннотация. Данная статья посвящена объяснению сущности и важности эффективных путей и механизмов обеспечения кибербезопасности в Узбекистане.

В данной статье изложены уголовно-правовые и криминологические характеристики киберэкстремизма.

Ключевые слова: киберэкстремизм, кибербезопасность, киберпреступность, преступление, объект, субъект, субъективная и субъективная сторона.

Abstract. This article is devoted to explaining the essence and importance of effective ways and mechanisms to ensure cybersecurity in Uzbekistan.

This article outlines criminal law and criminological characteristics of cyber extremism.

Keywords: cyber extremism, cyber security, cybercrime, crime, object, subject, subjective and subjective side.

Киберэкстремизм бир қарашда оддий жиноятдек туюлади, аммо унинг олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатлари хусусида қанча гапирсак оз. Сабаби, динни ниқоб қилиб олган кимсалар ўз жабрланувчиларининг динга нисбатан муносабати қай тариқа эканлигини билиб, унинг ички оламига кириб боради ҳамда ўзининг чиркин ғояларини у билан баҳам кўради. Шу орқали жабрланувчилар жиноятчиларнинг қўлида кўғирчоқ бўлади, улардан фақат ва фақат зулм кўришади. Оиласини йўқотишади.

Диний ақидапарастлик, диний экстремизм, диний фундаментализмнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали олиб борилиши ушбу жиноятларнинг амалга оширилишида қулай имкониятлар яратиб беради, хусусан, жиноятчи ўз қилмишини содир этишда одатий ҳолатга нисбатан ахборот-коммуникация технологиялари орқали ушбу жиноятни бажарганида ўз тарафдорларини кўпроқ ишонтиришга эришади, кўпроқ тарафдорлар топади, ўз жиноятини тезкорлик билан амалга оширади, иқтисодий томондан одатдагига қараганда камроқ харж қилади. Хуллас, ушбу жиноятни амалга ошириш жиноятчилар учун ҳам қулай, ҳам иқтисодий томондан камчиқимдир. Диний ақидапарастлик, диний экстремизм, диний фундаментализмнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилиши бугунги кунда киберэкстремизм номи билан аталмоқда. Ушбу тушунчанинг мазмун моҳияти хусусида олимлар турлича баҳс юритишади, хусусан, олимлар Н.Панталева ва Н.Пархитъконинг фикрича, ушбу жиноят ахборот

маконидаги экстремистик жиноий фаолиятдир[1]. Ҳақиқатан ҳам, ушбу фикрлар ўринли бўлиб, мазкур жиноятлар ахборот маконида, янада аниқроқ айтганда, кибермуҳитда амалга оширилади. Олимлар В.Н.Макашова ва Е.В.Чернова мазкур ҳолатни янада кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қилиб, ушбу жиноятлар ижтимоий тармоқларда, блогосфера, онлайн форум ва ҳамжамиятларда кўпроқ учрашини таъкидлаган ҳолда, бу жиноятнинг субъектлари билиб-билмай мазкур тармоқлардаги видео, аудио, матнли материалларга “лайк” босиши оқибатида мазкур жиноятнинг бевосита иштирокчиси ёки жабрланувчисига айланиб қолишини баён қилиб ўтади[2], Б.Грызловнинг фикрича, киберэкстремизм кибертаҳдидларнинг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, унинг мақсади сиёсий ёки иқтисодий барқарорлик, саботаж, сиёсий мақсадлар учун ҳарбий ёки фуқаровий активлар ва манбаларни ўғирлашдир[3]. Фикримизча, ушбу гапларда жон бор, аммо кибержиноятчи ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда мақсади нима эканлигини англаши зарур ва бу ушбу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак, бироқ билиб-билмай ёки эҳтиётсизлик орқали фуқаронинг диний мазмундаги ижтимоий тармоқ орқали келган материалга “лайк” босиши билан боғлиқ ҳолат учун уни жавобгарликка тортиш, наздимизча, баҳсли ҳолатдир. Сабаби ушбу фуқаро мазкур материалнинг нима мазмундалигига тўлиқ амин бўлмаган ҳолда, беихтиёр унга “лайк” тугмасини босиши ҳолатини фикримизча, жиноят деб аташ қонунийлик ва одиллик принциплари нуқтаи назаридан жуда нотўғридир ва мазкур ҳолат юзасидан судлар аниқ тўхтамга келиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда суриштирув ёки тергов жиноятнинг субъектив томонини исботлаши катта аҳамиятга эгадир.

О.Могилевцева ва Д.Селенянинг фикрига кўра, киберэкстремизм ахборот технологиялари, оммавий ахборот воситалари орқали ўз фаолиятини тарғиб қиладиган экстремизмнинг бир шаклидир[4]. Наздимизча, ушбу фикрларга қисман қўшилиш имконсиздир, сабаби “кибер” сўзи инглиз тилига юнон тилидан кўчган бўлиб, “компьютерларга ва Интернетга уланган” деган маънони англатади[5], шунингдек, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матнда чиқариладиган деб юритилади), қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир[6], қолаверса, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12¹-моддасига мувофиқ веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайтлардан ва (ёки) саҳифаларидан диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм

ғояларини тарғиб қилишда фойдаланиш махсус ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан чекланади[7]. Бундан кўринадики, киберэкстремизм ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга ошириладиган ижтимоий хавфли қилмишдир.

А.С.Доколин, Е.В.Чернова, Л.Ф.Ганиева, О.Л.Колобоваларнинг фикрига кўра, киберэкстремизм мавжуд жамиятда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фавқулодда қатъиятли қарашлар ва чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган фаолиятдир[8]. Ҳақиқатан ҳам, киберэкстремизм фавқулодда ҳолатларни келтириб чиқарадиган, ўзида ғаразли мақсадларни жамлаган, ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга ошириладиган жиноий фаолиятдир.

Киберэкстремизм кибержиноятнинг бир тури бўлганлиги сабабли унинг ривожланиш тарихи ҳам ўзига хос макон ва замонга қараб ривожланиб борган, хусусан, Россия қонунчилигида эътибор қаратсак, қуйидагиларга гувоҳ бўламиз: дастлаб Россия тарихида экстремизм тушунчаси XIX асрнинг 50-йилларида инқилобий характерга бўлган ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлган бўлса, 1874–1875-йилларда Россия тарихида дастлабки йирик экстремистик қўзғолонлар бўлиб ўтган, 1877-1878-йилларда эса, Санк-Петербург мерини отиб ташлаган Вера Засуличнинг суд жараёни Россия тарихида илк сиёсий намоёниш сифатида эътироф этилган бўлса, 1905 йилда Россияда бўлиб ўтган экстремистик қўзғолонлар натижасида “ижтимоий адолат” назарияси вужудга келган, 1887 йилда эса, “Народная Воля” ёшлардан иборат террористик ташкил ташкил топган, 1983-1994 йилларда “Общество друзей свободы России” террористик ташкилоти ўз фаолиятини юритиб, Россия инқилобини амалга ошириш билан боғлиқ террорчилик фаолиятини молиялаштириш тушунчалари пайдо бўлган.

Шу орқали киберэкстремизмнинг асоси яратилиб, 1999 йилда Россияда илк бора Интернет сайтларда экстремистик фаолият билан шуғулланиш ҳолати аниқланган[9]. Натижада, 2000 йилда Россия Федерациясининг ахборот хавфсизлиги доктринаси тасдиқланиб, унда Россия Федерациясининг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсадлари, вазифалари, тамойиллари, йўналишлари, 2002 йилда эса, “Экстремистик фаолиятга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унда экстремистик фаолият ва экстремистик ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми[10], 2006 йилда “Ахборот, ахборот технологиялари ва ахборотни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ахборот, ахборот технологиялари тушунчаларининг расмий таърифи ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати[11], 2012 йилда “Болаларни уларнинг соғлиғи ва ривожланишига зарарли бўлган маълумотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ушбу Қонун билан веб-сайтлар ва Интернет тармоғини блокировкалаш тартиби белгилаб қўйилди[12].

2013 йилдан бошлаб, Россия Федерацияси Президенти топшириғи билан Интернет тармоғида экстремизмга қарши фаол тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш амалиёти жорий этилиб, шу йилдан бошлаб ижтимоий тармоқлар, блоглар ва оммавий-ахборот воситаларининг ноқонуний фаолиятини прогноз қилиш ва мониторингини юритиш бўйича тендер эълон қилинди[13], 2014 йилда эса “Блогерлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, Интернет ресурслари муаллифларини Роскомнадзор рўйхатидан мажбурий ўтиш тартиби жорий қилинди, натижада эса, шу йилнинг ўзидаёқ 3000 дан ортиқ фойдаланувчиларнинг Интернет сайтлари ва бошқа ресурслари рўйхатдан ўтказилди, шу билан бирга шу йилнинг ўзидаёқ 2014-2025 йилларда Россия Федерациясининг экстремизмга қарши курашиш стратегияси тасдиқланди[14]. 2016 йилда Россия Федерациясининг 2000 йилда қабул қилинган ахборот хавфсизлиги доктринаси янги таҳрирда қабул қилинди[15].

Мустақил ва ҳур Ўзбекистон ҳам киберэкстремизмга қарши курашиш фаолиятида ўзига хос тарихга эга. Жумладан, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг “Республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга доир чоралар тўғрисида”ги 1989 йил 21 октябрдаги 3578–XI-сон қарори билан республиканинг барча ички ишлар, прокуратура, адлия органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларидан жиноят содир этаётган, жамоат тартибини бузаётган шахсларга нисбатан белгиланган таъсир чораларини ўз вақтида ва қонунга тўла мувофиқ равишда қўллаш, экстремизм кўринишларининг миллий душманлик ва адоватни уйғотиш ҳамда авж олдиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларининг пайини қатъиян қирқиш талаб қилинган[16], 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар Ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тузилмаларида террорчиликка қарши кураш бошқармалари ташкил этилган[17], 1998 йилда республикада барқарор ижтимоий-сиёсий муҳитни сақлаб қолиш, диний кўринишдаги экстремизм ва террорчиликка йўл қўймаслик ҳамда амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида мамлакатда мавжуд бўлган барча диний жамоа, оқим ва гуруҳлар фаолиятининг қонунийлигини ўрганиш ва амалдаги қонун талабларига мослаштириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия ҳамда унинг таркибида ишчи гуруҳлари тузилган[18], диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келиши Қонун билан белгилаб қўйилган[19], натижада, 1998 йилда Жиноят кодексига “244¹-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш” учун жавобгарлик киритилган[20], 2001 йилда “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга

қарши кураш тўғрисида”ги Шанхай Конвенцияси ратификация қилинган[21], 2003 йилда диний адоват уйғотишга қаратилган ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги йўналишларидан бири этиб белгиланган[22] ва шу муносабат билан веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан, блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шартлиги Қонун билан чегараланиб қўйилган[23], 2004 йилда эса, диний экстремизм ғояларини тарғиб этишга қаратилган ахборотни аниқлаш бўйича Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тузилмасида “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил қилинган[24], 2006 йилда Ўзбекистон Терроризм, сепаратизм ва экстремизм каби фаолиятга дахлдор шахсларнинг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудудига суқилиб кириш йўллари аниқлаш ва тўсиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги Битимни ратификация қилган[25], 2007 йилда оммавий ахборот воситаларида диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилиш тақиқлаб қўйилди[26], 2011 йилда диний экстремизм ғояларини тарғиб қилишга йўналтирилган ахборотларни таҳлил қилиш ва улар бўйича хулосалар тайёрлаш бўйича Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси ташкил қилинди[27], 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб этиш белгиларига эга материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди[28], 2016 йилда эса оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш учун жавобгарлик киритилди[29], 2018 йилда “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди[30], 2019 йилда жамиятда экстремизмнинг ҳар қандай шакл ва кўринишига нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш юзасидан Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди[31], ўқувчиларнинг илмий ва бадиий адабиётларни ўқишга бўлган қизиқишини ошириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитет шакллантирилишини таъминлаш Халқ таълими вазирлиги[32], диний мутаассиблик ва экстремизм ғояларини

тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик чораларини кўриш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди[33].

Киберэкстремизм жуда мураккаб жиноят ҳисобланади, у бир қарашда оғир ҳолатларга олиб келиши ва бир қарашда унча оғир бўлмаган ҳолатларга олиб келиши билан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга жиноятлар тоифасига киради. Мазкур ҳолатни янада соддароқ тушунтирадиган бўлсак, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган диний экстремистик фаолият айтилиқ “Telegram” ижтимоий тармоғи орқали амалга оширилганида битта жабрланувчига эга бўлиши ҳам, бир неча минг жабрланувчиларга эга бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, ушбу тоифадаги жиноятлар учун жазо тайинлашда наздимизча, одиллик принципи тамойилларига амал қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан мазкур жиноят оқибатида келиб чиқадиган зарарли жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, ушбу ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарлик диний экстремистик фаолиятдан алоҳида шаклда-алоҳида моддада кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ миллий қонунчилигимиз бунини инкор қилган ҳолда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ва диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек, фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоиш этиш учун жиноий жавобгарлик Жиноят кодексининг 244¹-моддаси 3-қисми “г”-бандида кўрсатиб ўтилган бўлиб, бунинг учун беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган. Зеро, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши[34] учун ҳам мазкур модда қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур жиноятнинг субъекти жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Бироқ, ёш сензи масаласида сўз юритганимиздек, ушбу жиноятларнинг ахборот технологиялари ва коммуникациялари воситасида фойдаланиб содир этилгани ва булар орқали 16 ёшдан қуйи шахслар ҳам ўзларининг хатти-ҳаракатларини тўғри англай олиши билан характерлангани, шунингдек, вояга етмаган шахс ҳам ўз қилмишини амалда тўлиқ бажара олиш қобилиятига эга бўлиб, қилмишнинг салбий оқибатлари жуда катта бўлишини инобатга олиб мазкур жиноятлар бўйича ёш сензи жиноят қонунчилигимиздаги энг қуйи ёш 14 ёки 13 ёш этиб белгилаш таклиф этилади. Хусусан, Грузия[35], Қозоғистон[36] Жиноят кодексларига асосан жиноят ёши 14 ёш этиб белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, хорижий тажрибадан унумли фойдаланиб, жиноят қонунчилигимизни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу жиноятнинг объекти бошқа экстремизмга оид жиноятлар каби жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан мазкур жиноят одиллик принципи нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиб, Жиноят кодексининг 244¹-моддасидан алоҳида моддага ёки қўшимча моддага олган ҳолда, таснифланиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, Арманистон Республикаси жиноят кодексида ушбу жиноят учун жавобгарлик бизнинг фикрларимизга монанд шаклда жойлаштирилган[37].

Ҳозирги ҳолатига кўра, жиноят телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ва диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек, фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоиш этиш орқали амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоизки, қонун лойиҳаси лўнда, аниқ, оддий ва равон тилда, нормаларни турлича изоҳлашни истисно этадиган тарзда юридик атамашуносликка риоя қилинган ҳолда баён қилинади[38]. Шунга кўра, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига киберэкстремизм тушунчасини киритиш ва уни қуйидагича баён қилиш таклиф этилади:

“киберэкстремизм – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга қаратилган ҳаракатлардир.”.

Мазкур тушунчанинг юқорида таъкидланган Қонунга киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244¹-моддасининг 3-қисми “г”-банди қайта кўриб чиқилиши ва ушбу банддан “ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан” деган сўзларни чиқариб ташлаб, ушбу моддага алоҳида қўшимча илова модда – киберэкстремизм, яъни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга қаратилган, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни, фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини ҳар қандай шаклда тайёрлаш, уларни сақлаш, тарқатиш, намойиш қилиш, Интернет ва телекоммуникация тармоғига жойлаштириш учун жиноий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ.

Мазкур жиноятлар қачонки тўғри қасддан содир этилсагина, яъни кибержиноятчи ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноятни жиноят қонунчилиги билан жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқ. Амалиётда, баъзи ҳолатларда билиб-билмай турли хил инсонлар Интернет тармоғидаги материалларга ўз муносабатини билдириш учун “лайк” босишади, аммо мазкур ҳолатда ушбу шахслар ўзининг қилмиши оқибатларини, яъни “лайк” босиш орқали Интернет тармоғидаги мазкур материалга муносабат билдираётганлигини англашмайди, бунда ушбу материалнинг қандай экстремистик оқибатларга олиб келиши мумкинлиги аҳамиятга эга эмас, энг муҳими шахснинг ушбу маълумотга ўз хоҳишига асосан, хоҳлаб ва унинг оқибатини англаган ҳолда “лайк” босишидадир.

Мазкур жиноятлар ахборот-коммуникация технологияси ёрдамида яратилганидан бошлаб у сақланган ёки сақланмаганидан қатъи назар, тугалланган ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бу борадаги ишларда экспертиза ўтказилмоғи ва мутахассис хулосаси олинмоғи лозим бўлади.

Олим М.Рустамбоевнинг фикрича, материалларни тарқатиш деганда, шу материалларнинг оғзаки ёки ёзма шаклда ҳеч бўлмаганда бир шахсга ошкор этилишини тушуниш зарур[39]. Ҳақиқатан ҳам, ушбу фикрларга қўшилиш мақсадга мувофиқ, сабаби телекоммуникация тармоғи, мисол учун “Instagram” ижтимоий тармоғига диний-экстремистик мазмундаги материал жойлаштирилиши орқали ушбу маълумот ўзга шахсга етказилиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ахборот технологиялари ривож топган сари, унинг инсониятга фойдаси билан бир қаторда зарари ҳам шунчалик кўпаяверади. Ҳозирги кунда қонунчилигимизда киберэкстремизм ва унга оид тушунчаларнинг етарлича тартибга солиб қўйилмаганлиги бу борадаги ижтимоий муносабатларда Ўзбекистон ўз миллий қонунчилигини зудлик билан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Зеро, халқ манфаатини таъминлаш олий бурчдир. Халқ манфаати эса, аввало унинг дахлсизлигини таъминлашдан бошланади. Киберэкстремизм энг сўнгги ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширилганлиги сабабли давлатга ортиқча молиявий харажатлар келтириб чиқаради. Давлатнинг эса, ушбу харажатларни қисман камайтириш мақсадида ҳеч бўлмаганда ўз қонунчилигини тўғрилаб қўйиши бу борада бўлиши мумкин бўлган зарарларнинг қисман бартараф этиш механизми яратилишига олиб келади. Тўғри, ҳозирги кунда республикамызда бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, аммо ушбу ишларни тизимли равишда олиб бориш учун ўрта муддатга мўлжалланган Киберэкстремизмга қарши курашиш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва у асосида “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ва Жиноят кодексини қайта кўриб чиқиш орқали қонунчилигимизда киберэкстремизм, киберэкстремистик фаолият каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ушбу қонун ҳужжатларига татбиқ қилиш, бу борада олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич тизимлаштириш орқали мазкур жиноятлар билан ялпи курашиш механизми – Киберэкстремизмга қарши курашиш Доктринаси ишлаб чиқилмоғи бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири бўлмоғи жуда муҳимдир. Тан олишимиз керак, ҳозирги кунга қадар бу борадаги ислохотларимиз ўзаро тизимлашмаган, техник кўрсаткичларимиз ҳуқуқий кўрсаткичларга мутаносиб эмас. Маълумки, танқид бор жойда ўсиш бўлади, шу маънода ҳам ушбу соҳа тўлиқ танқидий кўз билан қайта кўриб чиқилиши ва мамлакатимизда хавфсиз кибермакон яратилиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Н.С.Панталева, Н.П.Пархитко. Кибертерроризм и киберэкстремизм как современные угрозы национальной и международной безопасности // Юридическая наука. 2019. №3. – с. 47.
2. В.Н.Макашова, Е.В.Чернова. Информационные технологии как фактор распространения идей киберэкстремизма в молодежной среде // Современные информационные технологии и ИТ-образование. 2013. №9. – с.331.
3. Б.Грызлов. Экстремизм как угроза суверенной демократии / Б.Грызлов //Pro суверенную демократию. – М.: Европа, 2007. – с. 445-451.
4. О.С.Могилевцева, Д.А.Селеня. Особенности профилактики киберэкстремизма в молодежной среде // Современные научные исследования и инновации. 2016. № 12 [Электронный ресурс]. URL: <http://web.snauka.ru/issues/2016/12/76097> (дата обращения: 02.02.2020).
5. Интернет сайтидан: <https://chto-eto-takoe.ru/cyber>.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ–78-сонли Қонуни // “Халқ сўзи”, 2007 й., 11-12 (4164-4165)-сон; ЎР ҚХТ, 2007 й., 3-сон, 20-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 707-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 йил, 9-сон, 223-модда.
8. А.С.Доколин, Е.В.Чернова, Л.Ф.Ганиева, О.Л.Колобова. Формирование компетенций по противодействию киберэкстремистской деятельности у студентов вуза // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 9-3. – с. 434-439.
9. Л.И.Савва, А.С.Доколин. Историография проблемы подготовки студентов к противодействию киберэкстремистской деятельности // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 6.
10. Федеральный закон от 25 июля 2002 г. № 114-ФЗ «О противодействии экстремистской деятельности» // <http://base.garant.ru/12127578/#ixzz6GAUHvsAB>.
11. Федеральный закон от 27 июля 2006 года № 149-ФЗ «Об информации, информационных технологиях и о защите информации» // Собрание законодательства Российской Федерации, 2006, № 31, ст. 3448; 2010, №31, ст. 4196.
12. Федеральный закон от 29 декабря 2010 года № 436-ФЗ «О защите детей от информации, причиняющей вред их здоровью и развитию» // Собрание законодательства Российской Федерации, 2011, № 1, ст. 48; 2012, № 31, ст. 4328; 2013, № 14, ст. 1658; № 26, ст. 3208; № 27, ст. 3477; 2014, № 42, ст. 5615; 2015, № 27, ст. 3970; 2017, № 18, ст. 2664; 2018, № 52, ст. 8101.

13. Ю.Н.Троегубов. Проблемы противодействия экстремизму в сети Интернет // Гуманитарный вектор. Серия: История, политология. 2014. №3 (39). – с.144. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/problemny-protivodeystviya-ekstremizmu-v-seti-internet>.

14. Стратегия противодействия экстремизму в Российской Федерации до 2025 года, утверждена Президентом России 28 ноября 2014 г. № Пр-2753 // <http://base.garant.ru/12127578/#ixzz6GAUwxl3A>.

15. Указ Президента Российской Федерации от 05.12.2016 г. № 646 «Об утверждении Доктрины информационной безопасности Российской Федерации».

<http://static.kremlin.ru/media/acts/files/0001201612060002.pdf>.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1989 йил 21 октябрдаги “Республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга доир чоралар тўғрисида”ги 3578–XI-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1989 й., 26-28-сон, 470-модда; 1991 й., 11-сон, 273-модда.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги “Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рэкёт ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги 247-сонли қарори // <https://lex.uz/search/nat?query=%D1%8D%D0%BA%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B5%D0%BC%D0%B8%D0%B7%D0%BC&exact=1&lang=3&status=Y>.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний жамоалар, оқимлар ва гуруҳлар фаолиятининг қонунийлигини ўрганиш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияни ташкил этиш тўғрисида” қарори.

19. 1998 йил 21 апрелдаги ПФ–1989-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/845104?query=%D1%8D%D0%BA%D1%81%D1%82%D1%80%D0%B5%D0%BC%D0%B8%D0%B7%D0%BC&exact=1>.

20. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги 618–I-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 99-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 513-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон

21. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 621–I-сонли Қонуни // Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 102-модда.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августдаги “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги шанхай конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”ги № 274-II-сонли қарори.

23. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 439-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 2-модда.

24. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 10-модда.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 ноябрдаги “Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 555-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 004 й., 11-сон, 108-модда.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги “Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-439-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 313-модда.

27. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги 541-I-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январда қабул қилинган ЎРҚ-78-сонли Қонуни таҳририда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 4-модда.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги “Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 228-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 8-сон, 70-модда.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 1-сон, 5-модда.

30. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-405-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 173-модда.

31. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” ЎРҚ-489-сонли Қонуни // Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 03/18/489/1593-сон.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ-5876-сон Фармони билан тасдиқланган “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси” // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 16 ноябрь.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Халқ таълими вазирлиги тўғрисида низом” // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 20 февраль.

34. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда.

35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 946-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2019 йил 23 ноябрь.

36. Уголовный кодекс Грузии // <https://matsne.gov.ge/>.

37. Уголовный кодекс Республики Казахстан // https://www.legislationline.org/download/id/8559/file/Kazakhstan_CC_2014_122019_ru.pdf.

38. Уголовный кодекс Республики Армения // https://www.legislationline.org/download/id/8237/file/Armenia_CC_am2016_ru.pdf.

39. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни.

40. Расулев, Абдулазиз Каримович. "Криминологическая характеристика преступлений в сфере информационных (компьютерных) преступлений." Вопросы современной юриспруденции 2 (53) (2016): 28-38.

41. Турсунов, Ахтам Соломович, and Абдулазиз Каримович Расулев. "УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ И КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ МЕРЫ БОРЬБЫ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И БЕЗОПАСНОСТИ." Вопросы криминологии, криминалистики и судебной экспертизы 2 (2019): 40-44.

42. Расулев, Абдулазиз, and Сурайё Рахмонова. "Преступления в сфере информационных технологий и безопасности: детерминанты и предупреждение." Общество и инновации 1.1 (2020): 200-209.

43. Расулев, А. "Противодействие кибертерроризму: международно-правовые и уголовно-правовые аспекты." *Review of law sciences* 4 (2018): 92-95.
44. Расулев, А. К. "Совершенствование уголовно-правовых и криминологических мер борьбы с преступлениями в сфере информационных технологий и безопасности. д. ю. н.... дис." (2018): 16-18.
45. Расулев, А. К. "Тенденции развития объекта киберпреступлений в англосаксонской правовой системе." *Российский следователь* 21 (2016).
46. Расулев, А. К. "Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты." (2006).
47. Расулев, А. К. "Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш: Юридик фанлар бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати." (2018).
48. Расулев, Абдулазиз, and Гайрат Садуллаев. "Training of Personnel in the Field of Countering Cybercrime: the Need and the Requirement of Time." in *Library* 21.1 (2021): 123-130.
49. Норметова, Малика, and Жасур Неъматов. "Понятие и сущность юридической помощи. Статус и роль адвокатов при оказании юридической помощи." *Общество и инновации* 2.3/S (2021): 502-506.
50. Неъматов, Жасур. "Purpose and features of methodology for interrogation in criminal proceedings." *Общество и инновации* 1.2 (2020): 251-259.
51. Неъматов, Жасур. "К проверке и оценке доказательств при применении института соглашения о признании вины в уголовном судопроизводстве." in *Library* 20.3 (2020): 75-76.
52. Неъматов, Жасур. "Определение статуса и особенностей проведения допроса участника уголовного судопроизводства." in *Library* 20.3 (2020): 57-58.